# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 26 сентябрь, № 199 (7157) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ВА ВАТАНДОШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА «ЭЛ-ЮРТ УМИДИ» ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хорижда яшаётган ва профессионал фаолиятини юритаётган ватандошларимиз, айниқса, катта илмий салоҳиятга эга олимлар, мутахассислар ва истеъдодли ёшлар билан яқин ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун зарур, жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни ҳам етакчи хорижий таълим муассасаларида, ҳам Ўзбекистонда тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали шундай кадрлар билан таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма Хорижда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировкаси ва ўқишини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

хориждаги нуфузли илмий-тадқиқот, таълим ва тиббиёт муассасаларида, иқтисодиётнинг бошқа истиқболли тармоқларида, айниқса, энг янги материаллар ва инновацион технологияларни ишлаб чиқариш ва қўллаш соҳаларида ишлаётган, қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларимиз билан алоқалар ўрнатиш;

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 27-28 сентябрь кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.***

Саммит кун тартибидан турли соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг жорий ҳолати ва истиқболларига доир кенг кўламли масалалар ўрин олган.

Шунингдек, давлат раҳбарлари 2019 йилда МДҲга раислик қиладиган давлатни, МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш жойи ва муддатини белгилаш масаласини кўриб чиқади, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари юзасидан фикр алмашади.

Мажлис якунида қатор салмоқли ҳужжатлар, жумладан, МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан баёноти, 1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш бўйича асосий тадбирлар режаси, 2019 — 2023 йилларга мўлжалланган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар давлатлараро дастури, Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи доирасида Душанбе шаҳрида икки томонлама қатор учрашувлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

**ЎзА.**



# КЛАСТЕР

## пахтачилик ва тўқимачиликнинг локомотивига айланмоқда



**Долзарб мавзу**

*Бугун қишлоқ хўжалигининг келажаги, унинг иқтисодий самарадорлиги кластер билан боғланмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, у тез орада аграр соҳанинг локомотивига айланади. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги, айниқса, унинг пахтачилик тармоғи қанчалик саноатлашса, давлатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти шунчалик ортади, халқнинг турмуш фаровонлиги юксалади. Шу боис кейинги пайтда амалиётга инновацияларни кенг татбиқ қилиш, заминимизда етиштирилаётган хом ашёни ўзимизда қайта ишлашни чуқурлаштиришга жиддий аҳамият қаратиляпти.*

### Қанот ёзаётган янгилик

Ҳозирги кунда республикамизнинг 20 та туманидаги 164 минг гектар майдонда кластер усулида пахта етиштирилмоқда. Ҳадемай, бу усул жорий этилган туманлар сони 70 тага етиб, хом ашёни чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган 41 замонавий корхона барпо қилиниши, 23 мингта янги иш ўрни очилиши кутиляпти.

Бу каби лойиҳалар эвазига 2019 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган пахта толасининг 78 фоизини ўзимизда қайта ишлашга эришилади. Бундан ташқари, 2020 йилга бориб толани тайёр маҳсулотга айлантириш ҳажми 40 фоиздан 60 фоизга етказилиши мўлжаллангани эътиборга моликдир.

Хўш, наинки пахтачилик, балки тўқимачилик саноати истиқболида нурли уфқларни очаётган кластернинг афзалликлари нимада?

➡ 3











Ҳидоят Нур Воҳид:

## Ўзбекистон ва Индонезия парламентлари ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилади

Ҳамкорлик



*Олий Мажлис Сенатида бўлиб ўтган Индонезия Халқ маслаҳатлашув конгресси раиси ўринбосари бошчилигидаги делегация билан учрашувда икки мамлакат парламентлараро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Меҳмон давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.*

— Ўзбекистон билан Индонезияни жуда кўп ришталар боғлаб туради. Мамлакатингиз ислом цивилизациясида мустаҳкам ўринга эга. Имом ал-Бухорий, Термизий, Мотуридий каби улуғ бобокалонлар авлоди эканингизнинг ўзи ҳам юртингиз буюк ишларга ва бунёдкорликларга қодир давлат сифатида эътироф этилишидан далолатдир.

Биз ташриф доирасида қадимий Самарқандга бордик. Жуда гўзал, ораста, файзли ва тарихий шаҳар! Амир Темур ҳамда унинг авлодлари мақбараларини зиёрат қилдик. Амин бўлдимки, мамлакатингизда табаррук масканларни обод қилиш, аждодлар хотирасига ҳурмат бажо келтиришга алоҳида эътибор қаратилар экан.

Бевосита парламентларимиз ўртасидаги алоқалар хусусида тўхталадиган бўлсам, жорий йилнинг ўзида Индонезия парламенти Халқ вакиллари кенгаши, Ҳудудлар вакиллари кенгаши, шунингдек, Индонезия Халқ маслаҳатлашув конгресси делегациялари Ўзбекистонда бўлди. Икки томонлама мулоқотларда қонун ижодкорлиги фаолиятини ўрганиш ва тажриба алмашиш бўйича ҳамкорлик қилинди. Бу жараён ҳозир ҳам парламентлараро ҳамкорлик тарзида давом эттириляпти.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш доирасида жуда катта ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Айниқса, давлат қурилишини такомиллаштириш, шу жумладан, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, сўз эркинлигини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда парламент ролини янада кучайтириш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотларни юксак баҳолаймиз.

➡ 3

## Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда яна бир йирик халқаро анжуман ўтказилади

*Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 11 октябрь куни Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида оила институти ва анъанавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида сўз юритиб, Ўзбекистонда 2018 йилда “Оилани мустаҳкамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли” мавзуида халқаро конференция ўтказиш ҳақида таклиф билдирган эди.*

Мазкур халқаро анжуман шу йилнинг 27-28 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

— Бундан кўзланган мақсад улкан, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг ўринбосари Д. Мирзажонова. — Халқаро ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилий доираларини юртимизнинг оилани мустаҳкамлаш ҳамда ёшлар тарбияси борасидаги тажрибаси билан яқиндан таништириш, соҳанинг долзарб муаммолари бўйича фикр алмашиш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг таъсирчан йўлларини излаш, бу борада халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат. Конференцияда 10 дан ортиқ давлатлардан меҳмонлар, етакчи экспертлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

➡ 3




## Инновацион ривожлантириш стратегияси мамлакат тараққиётини белгилайди

*Яқинда Президентимиз томонидан “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармон имзоланди. Бу ҳужжат илм-фаннинг илғор ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатимизни жадал ривожлантириш каби мақсадларга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.*

Улуғ шоир Жалолиддин Румийнинг шундай сатри бор: “Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил”. Қанийди, кўнгил оламига росмана кўз билан боқсак, унинг минг турли товланишларига ошно бўлсак. Бунинг учун эса қалб кўзи тийран ва уйғоқ бўлмоғи керак. Лекин кечагина хаёлот кўзи билан боққан ҳайратомуз нарсалар бугун реал воқеликка айланиб турган экан, мўъжиза дегани инсон қўли билан яратилишига яна бир карра инонмай илож йўқ. Қолаверса, асримиз технологиялар асри, деган сифатга эга бўлиб турибди. Шундай экан, замон билан ҳамқадам бўлишга тўғри келади.

Зеро, инсоният тараққиётини таъминлаб турган турфа хил ихтиролару бугун “инновация” деб аталган илм-фан ютуқлари тинимсиз қайнаётган улкан қозонни эслатади. Шу ихтиролар, юқори технологияларни иқтисодиётига самарали жорий этган давлатларгина унинг ўчоғига ўт қалаб, об-ҳавосини белгилайди ҳамда ҳосиласидан баҳраманд бўлади. Биз-чи?..

➡ 3

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси эртага, 2018 йил 27 сентябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун, 2018 йил 26 сентябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ВА ВАТАНДОШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА «ЭЛ-ЮРТ УМИДИ» ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

давлат органларининг кадрлар бўйича хизматлари томонидан фойдаланилиши ва онлайн тарзда излаш амалга оширилиши мумкин бўлган жаҳон мамлакатлари ва мутахассисликлар бўйича каталоглаштирилган қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларнинг электрон реестри (маълумотлар базаси)ни яратиш ва юритиш;

хорижий олимлар, ўқитувчилар, муҳандислар ва бошқа мутахассислар, шу жумладан, ватандошларни таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларига, айниқса, янги, истиқболли тармоқларга жалб этиш, улар учун қулай шароитлар яратиш, долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тадбирларни амалга ошириш;

таълим, соғлиқни сақлаш ва иқтисодиёт соҳаларида ишлаётган ватандошлар орасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари бўйича уларнинг ғоя ва фикрларини тўплаш, умумлаштириш ва тегишли ташкилотларга етказиш, шунингдек, тўпланган материалларни тайёрлаш ва тарқатишнинг самарали тизимини яратиш;

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имиджини шакллантириш ва қўллаб-қувватлашда, шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий марказлари билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликни ривожлантиришда ватандошлар салоҳиятидан фаол фойдаланиш;

ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида магистратура ва докторантура дастурлари бўйича танлов ўтказиш ва тайёргарликни, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларида истиқболли мутахассислар, шу жумладан, педагоглар ва илмий кадрлар учун малака оширишни ва стажировкадан ўтишни ташкил этиш;

нуфузли хорижий таълим ва илмий муассасаларда истиқболли мутахассисларни ўқитишни мониторинг қилиш, уларнинг Ўзбекистонда муносиб ишга жойлашишига кўмаклашиш, ушбу мутахассисларнинг меҳнат фаолиятини мониторинг қилиш, уларнинг касбий жиҳатдан ўсишига ва мансаб пиллапояларида кўтарилишига кўмаклашиш;

ҳам мамлакатимиз, ҳам хорижий экспертларнинг, шу жумладан, ватандошларимизнинг Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг боришига оид таҳлилий материаллари чоп этиладиган журналлар, илмий тўпламларни тайёрлаш ва кенг тарқатиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ишлар ҳолатини мониторинг қилиш ҳамда кадрларни хорижда тайёрлаш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, давлат бошқаруви соҳаларида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлари билан алоқаларни йўлга қўйиш, уларни ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси Васийлик кенгаши таркиби 3-иловага мувофиқ;

Хорижда таълим олиш, стажировка ўташ ва малака ошириш учун номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Жамғарма директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Жамғарма ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидаги тегишли лавозимлар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш миқдорлари ва шароитлари татбиқ этилади;

Жамғарма ходимларига улар ишининг ҳажми ва самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда директор қарорига асосан лавозим маошларининг 100 фоизигача миқдорида ойлик устама белгиланади.

6. Жамғарма директорига:

Жамғарма тузилмасига, зарур ҳолларда, ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартириш киритиш;

Жамғармага юклатилган вазифаларни бажаришга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг малакали ишчи ва мутахассисларини шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарманинг молиявий кўмагида хорижда магистратура ва докторантура дастурлари асосида таълим олган, малака оширган, стажировка ўтаган стипендиатлар зиммасига стипендиат билан тузилган шартномада белгиланган муддат давомида олий таълим муассасаси ёки илмий муассасада, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида ишлаб бериш мажбурияти юклатилади;

стипендиат узрсиз сабабларга кўра хорижий таълим ва илмий муассасаларнинг талабалари сафидан чиқарилганда, малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, олий таълим муассасаси ва илмий муассасада, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида меҳнат фаолиятини давом эттиришдан бош тортганда, Жамғарма томонидан стипендиатни ўқитишга сарфланган барча молиявий харажатлар стипендиат томонидан қоплаб берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази хорижда таълим олиш, малака ошириш ва стажировка ўташ учун номзодларни танлов асосида танлаб олишни ташкил этишда Жамғармага ҳар томонлама услубий ёрдам кўрсатсин.

9. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Жамғарма йўналиши бўйича хорижий мамлакатларда таълим олган, шу жумладан, фан доктори илмий даражасини олган стипендиатларнинг таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини махсус синовларсиз нострификациядан ўтказишни (эквивалентлигини белгилашни) таъминласин.

10. Жамғарма харажатларини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) стипендиатларни хорижий таълим ва илмий муассасаларида ўқитишни, уларнинг малакасини оширишни ва стажировка ўташини ташкил этиш, хорижий мутахассисларни, шу жумладан, ватандошларимизни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этиш бўйича:

2018 йилда — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасидан олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун кўзда тутилган ҳажмнинг 10 фоизигача миқдорида Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ажратиладиган маблағлар;

2019 йилдан бошлаб — кейинчалик тегишли йилдаги истеъмол нархларининг прогноз индексига тенг коэффициентни қўллаган ҳолда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган 45 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар;

тегишли йилда Жамғармага ажратиладиган бюджет маблағлари умумий суммасининг 5 фоизи миқдорида республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (оширилган шартнома ставкалари бўйича тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағларидан ажратмалар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарманинг жорий таъминоти, шу жумладан, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва Жамғармага юклатилган вазифаларни бажариш бўйича:

2018 йилда — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Жамғарманинг Васийлик кенгаши томонидан белгиланадиган миқдорда республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағларидан ажратмалар;

2019 йилдан бошлаб — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Республика олий таълим муассасалари рўйхати ва бюджетдан ташқари (оширилган шартнома ставкалари бўйича тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағлардан Жамғармага ажратмалар суммаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Жамғарманинг Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

11. Жамғарма 2022 йил 1 январга қадар давлат мақсадли жамғармаларига солиқ ва мажбурий тўловлардан озод қилинсин.

12. Жамғармага тўртта енгил автотранспорт воситаси, шу жумладан, учта шахсий ва битта навбатчи автомобиль сақлаш учун лимит ажратилсин.

13. “Ўзавтосаноат” АЖ ва Жамғарманинг Жамғармани “Ўзавтосаноат” АЖнинг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 13-уй (3-қават) манзилида жойлашган биносида беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 171-уй манзилида жойлашган Хорижда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировкаси ва ўқишини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармасининг бўшаётган бино ва иншоотларини туташ ҳудудлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига лойиҳа-тадқиқот ишларини амалга ошириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек, берилаётган бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилишни амалга ошириш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармасининг маблағларидан фойдаланишга рухсат берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги Жамғармага:

ватандошлар ва хорижий мутахассислар билан алоқаларни йўлга қўйишда;

стипендиатлар хорижий мамлакатларга виза олиши, консуллик ҳисобига қўйилишида, нотариал ва бошқа хизматлар кўрсатилишида, борган давлатида стипендиатларнинг ўқиши, малака ошириши ва стажировка ўташини мониторинг қилишда;

чет элдан ишга таклиф этилаётган хорижий мутахассисларнинг виза олишида;

хориждаги ватандошларнинг ташкилотлари, хорижий давлатларда фаолият юритаётган ўзбек маданий марказлари ва жамиятлари тўғрисидаги ахборотларни тўплашда, шунингдек, халқаро ташкилотлар, хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда:

Жамғармани керакли алоқа, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан, унинг интернет жаҳон ахборот тармоғидан кенг полосали фойдаланишини таъминласин;

ватандошларнинг электрон реестри (маълумотлар базаси)ни яратиш ва юритиш, шунингдек, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда видеоконференциялар, интернет-форумлар ва телекўприклар ўтказишда зарур техник ёрдам кўрсатсин.

16. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва “Дунё” ахборот агентлиги Жамғарма фаолияти доирасида амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

17. Жамғарма икки ҳафта муддатда хориждаги ватандошлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда хорижий мутахассислар, шу жумладан, ватандошларимизни Ўзбекистон Республикасига жалб этиш тартибини ишлаб чиқсин ва Жамғарманинг Васийлик кенгашига кўриб чиқиш учун киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5121-сонли Фармони, унинг 3-банди олтинчи хатбошиси ва 5-иловасини истисно этган ҳолда, ўз кучини йўқотган, деб топилсин.

19. Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувохитов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 25 сентябрь



# Ўзбекистон — Ҳиндистон: ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ИНТИЛИШЛАР МУШТАРАКДИР



*Чуқур тарихий-маданий ришталар Марказий ҳамда Жанубий Осиёни минг йиллар мобайнида боғлаб келган. Кўплаб қадимий моддий ва ёзма манбалар ҳам шундан далолат беради. Ҳиндистон ва Марказий Осиё — умумий маданий цивилизация макони бўлиб, бу ерда фаол маънавий-интеллектуал мулоқот ҳамда ўзаро бир-бирини тўлдириш жараёнлари юз берган.*

*Иккинчи томондан ҳудуд умумминтақавий муаммолари билан ҳам ажралиб туради. Уларга ечим излаш ҳамиша давлат ва жамоат арбоблари, халқларимизнинг файласуф олимлари, ёзувчию шоирлари диққат-эътиборида бўлган. Бугунги Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг ривожланиш босқичи ҳам бундан истисно эмас. Мамлакатларимиз минтақавий хавфсизликка ҳозирги хатарлар ва таҳдидларга нисбатан умумий ёки яқин ёндашувга эга.*

**Таҳлил**

## Афғон муаммоси

Афғонистонда сўнгги 40 йилдан буён давом этаётган қуролли можаролар, шубҳасиз, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларидаги хавфсизлик ҳамда барқарорликка таъсир кўрсатмоқда. Афғонистондаги ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасида сиёсий мулоқот ўрнатишдан бўлак ечим йўқлиги бугун барчага аён бўлди. Халқаро ҳамжамиятнинг фаол аралашувисиз мазкур жараён муваффақият қозониши амримаҳол.

Шу маънода, Ўзбекистон ва Афғонистон етакчилари ташаббуси билан 2018 йил март ойида ўтказилган Тошкент конференцияси муҳим қадам бўлди. Унда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзо мамлакатлари, барча қўшни давлатлар, шу жумладан, Ҳиндистондан юқори даражадаги вакиллар иштирок этди.

Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва инфратузилманинг қайта тикланиши масаласига Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон алоҳида урғу беради. Биз бу жиддий муаммоларнинг ҳал қилиниши, Афғонистон Ислом Республикасининг қўшни мамлакатлар билан минтақавий ва минтақалараро алоқаларга жалб этилиши, афғон халқи ҳаёти яхшиланишига эришмай туриб, Афғонистондаги вазиятни зудлик билан нормаллаштириш истиқболлари ҳақида гапириш мумкин эмас, деган қарашда якдилмиз.

Ўзбекистон Республикаси афғон ҳукумати ва халқаро ҳамжамиятнинг бу юртда тинч ҳаётни тиклаш бўйича интилишларини қўллаб-қувватлайди. Президент Ашраф Ғанининг Ўзбекистонга сафари чоғида Мозори Шариф — Ҳирот темир йўли ва Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линиясини қуриш бўйича қарор қабул қилинди.

Термиз шаҳрида икки мамлакат ўртасидаги экспорт-импорт ва транзит юкларини Европа ҳамда Осиё бозорларига олиб чиқишга ёрдам берувчи алоҳида терминалга эга халқаро логистика маркази барпо этилди. 2018 йилда илк бор Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Афғонистон йўлаги бўйлаб юк ташиб ўтилди.

Термизда 100 га яқин афғон йигит-қизлари муҳандис, темирйўлчи, педагог, энергетик ва бошқа турли касбларга ўқитиладиган Таълим маркази очилди. Яқин йиллар ичида ўқувчилар сонини 300 нафарга етказиш учун имконият яратилади.

Ўз навбатида, Ҳиндистон ҳам Афғонистоннинг қайта тикланиши ва инфратузилмавий ривожи учун улкан ҳисса қўшмоқда. Ҳиндистон бу юртнинг энг йирик донорларидан бири. Турли ҳисоб-китобларга кўра, Ҳиндистоннинг ушбу мамлакатга ёрдами ҳажми 3 миллиард доллардан ошиб кетди.

Ана шундай кўмак билан Ҳирот провинциясида Салма — “Афғон — ҳинд дўстлик сув омбори” реконструкция қилиниб, ҳозир у қишлоқ хўжалиги ирригация тармоқларини сув билан таъминлаётир, шунингдек, электр энергияси ҳам ишлаб чиқармоқда. Унинг очилиш маросимида Бош вазир Нарендра Моди айтганидек, “Ушбу воқеа афғон — ҳинд муносабатларидаги тарихий вазият бўлди”.

Бугунги кунга келиб, Ҳиндистон мазкур мамлакатда транспорт инфратузилмаси ва сув таъминотини реконструкция қилиш, ГЭС ҳамда қуёш электр станциялари, тураржой ва тиббиёт муассасалари барпо этиш бўйича юздан зиёд лойиҳаларда қатнашмоқда. Икки миллиондан ортиқ аҳолини нафақат электр энергияси, балки тоза ичимлик суви билан ҳам таъминлашга қаратилган “Шоҳтут” ГЭСининг ишга туширилиши алоҳида эътиборга молик.

Афғонистон ва Ҳиндистонни Эрон орқали боғловчи Чобаҳар халқаро транспорт йўлагини бунёд этиш лойиҳаси ҳам стратегик аҳамиятга эга. Унинг рўёбга чиқарилиши Ҳиндистон — Марказий Осиё ҳамкорлигига тамоман янгича руҳ бағишлаши мумкин ва бунда Афғонистон мазкур икки минтақа орасидаги табиий кўприкка айланади.

Бизнингча, Афғонистонда Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, “иқтисодиёт” ва “хавфсизлик” уйғунлигини инобатга оладиган бўлсак, юксак эътирофга лойиқ. Иқтисодиётсиз хавфсизлик ҳақида сўз юритиш бефойда, аксинча, хавфсизликни таъминламай туриб иқтисодий ривожланиш имконсиздир.

## Радикаллашув ва терроризм хатарлари

Дунёдаги тез ўзгарувчан вазият, геосиёсий тарангликнинг кучайиши, хавфсизликка таҳдидлар ва хатарларнинг кескинлашуви барқарорлик бўлинмаслиги масаласини кун тартибига олиб чиқди. Бу муаммоларнинг салбий оқибатлари бутун кўлами билан Марказий ҳамда Жанубий Осиёда, қўшни ва олис минтақаларда юзага қалқиб чиқмоқда.

Ҳозирги кунга келиб радикаллашув, экстремизм ҳамда терроризм таҳдидлари ҳадсиз, глобал миқёс касб этди. Бу хатар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, мамлакатларнинг тараққиёт ва бирор-бир маданият ҳамда конфессияларга таааллуқлилигидан қатъи назар, барча жамиятга кириб бораётир.

Бу жараёнларга қарши кураш самарадорлигини ошириш халқаро ҳамжамиятдан яқин мулоқот ҳамда хавфсизликка умумий таҳдид, хатарларга жавоб қайтаришда муштарак ёндашувлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Шуниси аниқки, эски кураш усуллари иш бермаяпти.

Халқаро экстремистик ва террорчилик ташкилотлари ёшларни ўз тузоғига илинтиришда ахборот технологиялари ҳамда ижтимоий тармоқлардан тобора кўпроқ фойдаланмоқда. Шу боисдан мазкур ҳодисаларнинг оқибатларига эмас, асл сабабларига қарши курашиш энг муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу ҳолатни инобатга олиб, Ўзбекистонда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чоралар қўллашга доир ёндашувлар туб моҳиятигача қайта кўриб чиқилди. Бу борада асосий урғу инсонлар, энг аввало, ёшларнинг “онг-тафаккури учун кураш”га берилмоқда, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавий-диний билимларини оширишга эътибор қаратиляпти.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил қилинди. Улар фаолиятининг бош шиори — “Жаҳолатга қарши маърифат”.

Экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолиб, энди ўз хатосини англаб етганларни одатий ҳаётга қайтариш, ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти. Айниқса, ёшлар ўртасида ислом динининг асл қадриятларини тарғиб қилиш, уларнинг онгида анъанавий исломий маданият ва дунёқарашни шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

2018 йил августда Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Унда “экстремизм”, “экстремистик фаолият”, “экстремистик ташкилот” сингари тушунчаларга аниқ таърифлар берилган. Экстремизмга қарши кураш тамойиллари ва усуллари, масъул органлар мажбуриятлари, шунингдек, халқаро ҳамкорликни амалга ошириш масалалари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон ва Ҳиндистонда радикализм, экстремизм ва терроризмга қарши туриш борасида катта тажриба тўпланган. Бу соҳада ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни фаоллаштириш мамлакатларимизнинг узоқ истиқболдаги манфаатларига жавоб беради.

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг хавфсизлик соҳасидаги, ички ва ташқи сиёсатдаги устувор йўналишлар муштараклиги икки мамлакат ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган кўп томонлама алоқаларга янги суръат бахш этиш учун мустаҳкам замин яратади. Шак-шубҳасиз, бу Марказий ҳамда Жанубий Осиёда хавфсизликни кучайтиришга ёрдам бериб, минтақалараро ҳамкорликнинг кенгайиши, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги ҳамда барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлади.

**Ботир ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори ўринбосари.**



# КЛАСТЕР

## пахтачилик ва тўқимачиликнинг локомотивига айланмоқда

1 →

Пахта-тўқимачилик кластери, бу — ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи, аҳоли турли қатламларини ўзида жамловчи боғлам, айни пайтда соҳада инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичи ҳамдир. Чунки кластер шарофати билан хом ашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади.

Содда қилиб айтганда, кластер тизими моҳиятан бир мажмуа доирасида бир жамоа бўлиб ерларни шудгорлаш, чигит экиш, ғўзани парваришлаб, пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш, хом ашёни қайта ишлашгача бўлган барча фаолиятни ўз ичига қамраб олади.

Мазкур жараёнларда ҳамма ишчиларнинг манфаатлари уйғунлашади. Яъни хом ашё етиштирувчидан тортиб, уни қайта ишловчиларгача бўлган барча ишчи-ходим маҳсулот сифатига бирдек жавобгар бўлади. Чунки шунга яраша охирги товарни сотишдан пайдо бўладиган қўшимча қийматнинг бир қисми шу ишга бош қўшган меҳнаткашларга тақсимланади. Бундай рағбат уларни номигагина эмас, балки сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди.

### Деҳқон ҳам, қайта ишловчи ҳам бирдек манфаатдор

Кластер фақат иқтисодий самарадорлиги юқорилиги билан эмас, аксинча, ижтимоий аҳамияти катталиги жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Бунга дастлаб Бухоро вилоятида ижросига киришилган ана шундай инновацион лойиҳанинг ҳозирги натижалари яққол мисол бўла олади.

“Энди олис юртларга иш излаб кетишимизга ҳожат қолмади”. Ромитан туманида яшовчи бир эмас, ўн эмас, минглаб юртдошларимизнинг шу фикрда экани ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Сабаби билан қизиқдик. Жавоби лўнда бўлди: барчаси кластер туфайли.

Президентимиз 2017 йилнинг 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида кластер усулида ишлаб чиқариш мажмуаси лойиҳаси билан танишиб, уни янада такомиллаштириш борасида кўрсатма ва тавсиялар берганди. Шу тариқа давлатимиз раҳбарининг “Бухоро вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “BCT Cluster” корхонаси таркибида масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Buxara cotton textile“ қўшма корхонаси ҳамда “BCT Cluster Agrokompleks” масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди.

Ромитан туманидан “BCT Cluster Agrokompleks” ихтиёрига 8 минг гектар экин майдони берилди. Туманнинг Миришкор, Нурафшон, Боғитуркон, Шўрча, Қоқиштувон ҳудудларини қамраб олган агромажмуада айни дамда 5 минг нафардан зиёд кишилар меҳнат қиляпти. Ваҳолонки, бу кишиларнинг кўпчилиги яқин-яқингача иш излаб, олис ўлкаларга йўл олар, сарсон-саргардон бўларди.

— 12 йилдан буён Россияга бориб ишлаб келардим, — дейди айни пайтда кластер тизимида сувчи бўлиб меҳнат қилаётган Бешим Бозоров. — Яширишнинг ҳожати йўқ, совуқ ўлкада иш топиш, пул жамғариш осон эмас. Шундай кунларнинг бирида оиламдагилар туманимизда даромадли иш борлигини айтиб қолди. Дарҳол ортга қайтдим. Ҳеч бир муаммосиз ишга қабул қилишди. Олти ойдан буён шу ерда меҳнат қилиб, рўзғоримни тебратяпман.

Кластерда меҳнат қилаётган меҳнаткашларнинг даромади билан қизиқдик. Ўтган бир йил давомида қишлоқ хўжалиги ишчилари ўртача 1,2-1,3 миллион сўм, бригадирлар 2 — 2,5 миллион сўм, иш юритувчилар эса 5 миллион сўмдан ойлик маош олаётган экан. Бундай янгиликни эшитиб ҳозир ота-оналар Россия ёки Қозоғистонга кетган фарзандларини чақириб олишаётгани бор гап. Тасаввур қилинг, битта оиладан уч-тўрт ўғил кластер тизимида ишласа, рўзғорига ойига қарийб 6 миллион сўм кириб боради.

— Меҳнатга яраша маош тўланаётгани, дам олиш шароитлари яратилаётгани одамларимизнинг ишга бўлган муносабатини ўзгартирди, — дейди агрокомплекс агрономи Норбой Жамилов. — 78 та участкага бўлинган пахтазорларимизда мўл ҳосил етиштирилганини, аввало, шу билан изоҳлаш мумкин. Қолаверса, жамоамиз жорий йилнинг ўзида 400 та замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналари билан таъминланди. Булар ҳали эзгу ишларнинг бошланиши холос.

— Бизнинг кластер тизимида деҳқон ҳам, раҳбар ҳам қишин-ёзин ишлайди, — дейди иқтисод фанлари доктори, кластер раҳбари Муртазо Раҳматов. — Яъни улар йил давомида нафақат маош, балки яхши ишласа, мукофот пули ҳам олади. Қандай қилиб дерсиз? Мисол учун, бу йил қиш мавсумида ишчиларимиз уч гуруҳга бўлиниб, чорва чиқиндиларини йиғди. Ҳар бир бригадага 100 гектардан майдон ажратиб берилди. Уларда қазилган катта-катта ҳандақларда биогумус тайёрланди. Мутахассислар ҳисоб-китобларига қараганда, чорвачиликда гўшт-сут маҳсулотларидан кўра, биогумус икки баробар кўп даромад келтирар экан. Шунинг учун чорвачиликни ривожлантириш ҳам эътибордан четда қолмаяпти.

Бу гапларда заррача муболаға йўқ. 10 минг бош қорамол парваришлашга мўлжалланган чорвачилик фермаси, биогаз ишлаб чиқариш, пахтани қайта ишлаш ва тозалаш, ёғ-мой заводлари, бешта фабрикани ўз ичига олган тўқимачилик мажмуаси, тежамкор технологияларга асосланган 20 гектарлик иссиқхона, намунавий кўринишдаги дала шийпонлари қуриляпти. Шунингдек, машина-трактор парки, 25 турдан ортиқ сут ва гўшт маҳсулотлари тайёрланадиган корхона, қорамол терисини қайта ишлаш цехи ва бошқа кўплаб лойиҳалар ҳаётга бирин-кетин татбиқ этилмоқда.

Агрокомплексда етиштирилган табиий хом ашё вилоят марказидаги “Buxara Cotton Textile” корхонасида қайта ишланади. Ҳозир бу ерда қўшимча бинолар қурилиб, мавжудлари таъмирланмоқда. Бошқача айтганда, кластердек замонавий, дунё тажрибасида муваффақиятли қўлланилаётган технологик усулни ишлаб чиқаришга татбиқ этишга киришган мазкур йирик корхона 20 минг тоннадан ортиқ “оқ олтин” етиштиради. Аниқроғи, чигитни экишдан тортиб, экинни парваришлаш, ҳосилни йиғиб-териб олиш, хом ашёни мажмуа ихтиёридаги корхоналарда қайта ишлаб, ундан тола олиш, сўнг калава ип, мато тайёрлаш, ранг бериш, тикиш ишлари ва ниҳоят, тайёр маҳсулотнинг мижозларга етказилиши — ҳамма-ҳаммаси “BCT Cluster”нинг таркибига кирувчи “BCT Cluster Agrokompleks” масъулияти чекланган жамияти ҳамда “Buxara Cotton Textile” қўшма корхонаси томонидан амалга оширилади.

Бир-бирига занжирсимон боғланиб кетган бу лойиҳаларда ҳеч жиҳат назардан четда қолмаган. Масалан, пахтадан юқори қийматли маҳсулот тайёрлаш учун бўёқ ҳам зарур бўлади. Шундан келиб чиқиб, табиий бўёқ олиш мақсадида ҳудудда индиго ўсимлигини етиштириш устида тажриба ўтказиляпти.

Умуман олганда, кластер тизимидаги лойиҳалар тўлиқ ишга туширилса, жами 10 минг нафар кишининг бандлиги таъминланади. Бу шунча оила доимий даромад манбаига эга бўлади, турмуши янада фаровонлашади, деганидир.




### Самарадорликни оширувчи омил

Жаҳон бозорида 1 килограмм пахта толаси 1-1,5 АҚШ долларига баҳоланади. У йигирилиб, калава ип қилинса, қиймати 7-8 долларга, агар ундан мато тўқилиб, тайёр маҳсулот, дейлик, учта эркаклар кўйлаги тикилса, қўшимча қиймат яна ортиб, 100 долларга айланади.

Ёки бўлмаса, кластер тизимида қайта ишланган 1 килограмм толадан тўқилган мато битта “Деним-индиго” жинси шими тикиш учун етарлидир. Бундай маҳсулот дунё бозорида 500 — 1000 долларгача сотилади. Биз буни минимал қийматда баҳолаган тақдирдиримизда ҳам фойданинг салмоғи нақадар катталигини чамалаш қийин эмас. Юртимизнинг барча ҳудудида кластер усули кенг қулоч ёзаётганининг асл сабаби ана шунда.

Навоий вилоятида ҳам ушбу инновацион усул йил сайин кенгаймоқда. Шулардан бири пахтачиликда узоқ йиллик тажрибага эга Қизилтепа туманида жорий этилди.

Очиғини айтиш керак, ўтган йилга қадар пахтанинг ташвиши Қизилтепадаю, даромади тола кўринишида четга чиқиб кетарди. Мамлакатимиз раҳбари 2017 йилнинг 28 март куни Навоий вилоятига ташрифи чоғида Тошработ маҳалласида бўлиб, ҳудудда енгил саноатни ривожлантиришнинг қатор лойиҳалари билан танишар экан, аҳоли фаровонлиги ва даромадини ошириш фурсати аллақачон етганлигига урғу берди. Шу мақсадда туманда кластер усулини жорий этиш вазифасини белгилаб берди.

Кластер усули Қизилтепада Навоий шаҳридаги “Baht-Textile” ҳамда янгидан ташкил этилган “Тошработ текстиль” масъулияти чекланган жамиятлари ҳамкорлигини таъминлади. Ушбу ҳамкорлик туфайли туманнинг аҳоли энг зич жойлашган Тошработ ҳудудида замонавий технологиялар билан жиҳозланган “Тошработ текстиль” МЧЖ корхонаси ишга туширилди.

Бунёдкорлик ва тикув дастгоҳлари хариди учун 14 миллиард сўм атрофида маблағ йўналтирилиб, Туркия, Тайвань ва Хитойнинг етакчи компаниялари технологик дастгоҳлари билан жиҳозланди.

— Корхонамизда ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган технологиялар ўрнатилди, — дейди “Тошработ текстиль” МЧЖ раҳбари Улуғбек Файзиев. — Бу экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 200 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилдик. Яна 250 минг долларлик маҳсулотлар хорижлик буюртмачиларга жўнатиш учун тахт қилиб қўйилди.

Вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги котибияти раҳбари Ойбек Намозовнинг қайд этишича, дастлабки тажриба ўзини тўла оқлагач, вилоятнинг қолган пахтачилик туманларида ҳам пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этишга киришилди. Жорий йилда вилоят бўйича 33 минг 288 гектар, жумладан, Қизилтепа туманида 8536, Кармана туманида 5559, Хатирчи туманида 10915 гектар пахта майдони “Бахт текстиль” МЧЖга ҳамда Навбаҳор туманида 7718, Конимех туманида 561 гектар пахта майдони “Навбаҳор текстиль” МЧЖга бириктириб берилди. Натижада вилоят пахта далаларида кўзланганидан кўп ҳосил етиштирилди.

Юртимиз пахта-тўқимачилик соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқаётган кластер усули Жиззах вилоятида ҳам тобора тараққий этмоқда. Замонавий лойиҳани амалга ошириш учун, жумладан, “Ҳаётбек текстиль” масъулияти чекланган жамиятига Шароф Рашидов туманидан 3,5 минг гектар пахта майдони ажратиб берилди.

— Пахтачиликда янгича усулни қўллаб, ҳосилдорликни 22 — 25 центнердан 40 — 45 центнерга етказишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди “Ҳаётбек текстиль” МЧЖ раҳбари Анвар Ҳожимуродов. — Жорий йилда 8100 тонна пахта хом ашёсини йиғиб-териб оламиз. Ҳар бир ходим ва ишчи учун мақбул маош белгиланган. Улар иш ҳақини ойма-ой олишмоқда.

Айни пайтда сиғими 20 минг тонналик пахта қабул қилиш майдони, пахта тозалаш корхонаси қуриш жараёнлари бошлаб юборилган. Истиқболда 11 минг тонна чигит қайта ишланадиган ёғ-мой заводи барпо этиш, бўрдоқичилик, сутчилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжаликларни ташкил этиш кўзда тутилган. Бу ишлар рўёбга чиқиши билан юзлаб қишлоқ аҳолисининг бандлиги таъминланиб, даромади ва турмуш даражаси ошади.

Кластер усули Янгиобод туманида ҳам бўй кўрсата бошлади. Гап шундаки, бу ерда “Савот агроэкспорт А” замонавий қайта ишлаш кластери бунёд этилмоқда. Мажмуанинг 65 гектарида сабзавот ва полиз экинлари, 20 гектарида интенсив боғ яратилса, 1 гектарида замонавий иссиқхона қурилади, 1 гектарида саралаш, қуритиш, қадоқлаш ускуналари ўрнатилади. 200 дан зиёд янги иш ўринлари очилади. Пировардида йилига 2 миллион АҚШ доллари қийматига тенг бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Бу каби лойиҳалар нафақат туман ёки вилоят, балки Ўзбекистон иқтисодиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари турмуш даражасини кўтаришда асосий омиллардан бирига айланиши, шубҳасиз. Зеро, кластер илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги инновацион технологияларни амалиётга жадал жорий этиш, иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришга хизмат қилади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**Темур ЭШБОЕВ,**
**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Азамат ЗАРИПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Инновацион ривожлантириш стратегияси

## мамлакат тараққиётини белгилайди

1 →

Таассуфки, бу борада ҳали мақтана олмаймиз. Юртимизда эндигина чинакам




силжишлар бошланаётир. Нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтинги мавжуд бўлиб, унда камида 130 — 140 давлатнинг шу соҳадаги ютуқлари, ихтироларга берган патентлари, фан-таълимга ажратадиган йиллик маблағлари кўзгудагидек акс этиб туради. Бу ажабтовур рейтингни, мана, 7 йилдирки, Швейцария бошқариб келмоқда. Ундан кейинги ўринларда эса Швеция, Голландия, АҚШ ва Буюк Британия турибди. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги давлатлар орасида энг яхши кўрсаткич 25-ўринни банд қилган Эстония ва 78-ўринни эгаллаган Қозоғистонга тегишли. Ўзбекистон шу рейтингга сўнгги бор 2015 йилда киритилган ва эгаллаган поғонаси 122-ўриндан ошмаган.

Бундай пасайиш кўрсаткичларининг сабаблари Президент Фармонида аниқ-тиниқ ёзилган. Яъни, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳа тармоқларининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги паст даражада, инновацион ривожланиш соҳасида вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти керагича мувофиқлаштирилмаган ва ҳоказо.

Демак, эндиги мақсад, Фармон билан бирга тасдиқланган Инновацион ривожлантириш стратегиясида алоҳида белгилаб қўйилганидек, юртимизни 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати таркибига киритишдан иборатдир.

Бунинг учун ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилади, ноёб илмий-техник ускуналардан жамоа бўлиб фойдаланиш марказлари ташкил этилади ва пировардида Ўзбекистонда илмий фаолият нуфузи оширилади. Айни кунда илмий тадқиқотлар ҳамда тажриба-конструкторлик ишланмаларига ялпи ички маҳсулот ҳажмининг атиги 0,21 фоизи ажратилаётган бўлса, 2021 йилга бориб бу кўрсаткич тўрт баравар оширилади, яъни 0,8 фоизга етказилади. Шунингдек, технологиялар трансферининг миллий ва минтақавий офисларини ташкил этиш, илғор технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш учун технопарклар хаби, эркин иқтисодий зоналар, эркин саноат зоналари, кичик саноат ҳудудлари ва илмий-ишлаб чиқариш кластерлари очиш мўлжалланмоқда.

— Ушбу Фармон билан киритилаётган ўзгаришлардан яна бири шуки, Ўзбекистон олий ўқув юртларига босқичма-босқич тарзда абитуриентларни шартнома асосида ўқишга қабул қилишда — қабул квоталарини мустақил тарзда белгилаш ҳуқуқи берилмоқда, — дейди инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдураҳмонов. — Бошқача айтганда, ўқийман, деган киши пулини тўласа, бас, олий маълумотли бўлади. Буни Инновацион ривожланиш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида тараққий этган қатор давлатларда бўлганидек, аҳолининг олий маълумотли қатлами салмоғини ва табиий-техник фанлар йўналишида ўқиётган талабалар сонини кўпайтириш кўзда тутилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Айнан илмли ёшлар мамлакат инновацион ривожига катта туртки беради. Ўз навбатида, олий ўқув юртлари ҳамда абитуриентлар янги таълим дастурлари, илғор педагогик ва smart-технологияларни изчил ўзлаштиришлари керак бўлади. Мактаб ҳамда олий ўқув юртлари ўзгаради. Зеро, улар олдига қўйилган вазифалар аниқ. Масалан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг 2021 йилга бориб, жаҳондаги нуфузли 1000 та университет сафидан ўрин эгаллашини таъминлаш мақсад қилинган.

Маълумки, инновацион ривожланишнинг истиқболи кўп жиҳатдан ахборот-коммуникация соҳасининг нечоғли илдамлашига боғлиқ. Демоқчимизки, айни шунинг эвазига айтилган муддатга бориб, давлат кадастри ишлари ва мол-мулкни рўйхатга олиш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилади. Муҳими, 2021 йилда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги хизматлар экспорти бугунги 2 фоиздан 4 фоизга етказилади.

Фармонда инновацияларни энергетика секторига фаол жорий этиш ҳам кўрсатиб ўтилган. Мисол учун, айни пайтда электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган ва муқобил манбалардан фойдаланиш ҳажми 12,7 фоизни ташкил этса, 2025 йилга бориб, бу кўрсаткични 20 фоиздан ошириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, монополияга қарши сиёсатни изчиллаштириш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклигини кучайтириш орқали барча юридик ҳамда жисмоний шахслар учун табиий монополиялар субъектлари товарлари, ишлари ва хизматларидан тенг фойдаланишни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тенг шароит яратиш, ички бозорда монополия юзага келишининг олдини олиш кабилар Стратегиянинг муҳим йўналишлари қилиб белгиланган.

Мазкур ҳужжат билан 35 та аниқ чора-тадбир 5 йўналишда қамраб олинган ва Инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Буларни бажариш муддатлари, ижрочи вазирлик ҳамда идоралар ҳам аниқ белгилаб қўйилди.

Шу ўринда сўзимиз аввалида тилга олинган Глобал инновацион индекс рейтинги масаласига яна бир бор қайтсак. Негаки, Фармонда юртимизнинг 2030 йилгача бўлган инновацион ривожланишга оид мақсадли кўрсаткичлари кўрсатиб берилганки, уларни рўёбга чиқаришдан тўлиқ манфаатдормиз.

Яна бир гап. Яъни Фармон асосида Инновацион ривожлантириш стратегиясини вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича комиссия ташкил этилди, унга Бош вазир раислигида 27 та вазирлик ҳамда идоранинг биринчи раҳбарлари аъзо бўлди. Шунинг ўзиёқ Стратегиянинг нечоғлик муҳимлигидан дарак бериб турибди. Ана шу йўл орқалигина биз рейтинглар адоғида қолиб кетавермаймиз, олға силжиймиз. Зеро, келажак илм-фанда улкан ютуқларга эришган халқникидир.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.**

**Ҳидоят Нур Воҳид:**

# Ўзбекистон ва Индонезия парламентлари ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилади

1 →

Шу билан бирга, давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш жуда муҳимдир. 2018 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон ҳамда Индонезия ўртасидаги савдо айланмаси 23 миллион долларни ташкил этган, холос. Бу рақам мамлакатларимиз салоҳиятига мос келмайди, албатта. Айниқса, туризм энг истиқболли йўналишлардан биридир. Қайд этиш лозимки, жорий йилнинг февралидан бошлаб, индонезияликлар учун юртингизда визасиз режим жорий қилинди: улар Ўзбекистон ҳудудида 30 кун мобайнида визасиз юриш имконига эга бўлди. Бундан ташқари, Самарқандда “Sahid Hotels&Resorts” Индонезия компанияси билан ҳамкорликда меҳмонхона қурилмоқда. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, Ўзбекистонда туризм саноатининг ривож топишига, Индонезиядан келадиган сайёҳлар оқимининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга кўрсатилаётган юксак эътиборни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий айтганидек, тилга кўрсатилган эътибор — аввало, халқнинг маданиятига кўрсатиладиган эътибордир. Шу нуқтаи назардан, яна бир далил диққат-эътиборимизни тортди. 2011 йилдан бошлаб Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ҳамда 2013 йилдан Тошкент давлат шарқшунослик институтида индонезия тилини ўргатиш бўйича махсус гуруҳлар ташкил этилган. Шу йилнинг август ойида Жакартада ўз ишини бошлаган “Индонезия — Ўзбекистон” дўстлик жамияти ҳам бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир.

Учрашув якунлари бўйича парламентлараро ҳамкорлик ҳамда халқаро парламент тузилмалари доирасидаги ўзаро алоқаларни янада кучайтириш юзасидан биргаликда олиб борилаётган ишларни давом эттириш ҳақида келишиб олдик. Ўйлайманки, бу билан Индонезия ва Ўзбекистон парламентлари ўртасида ҳамкорлик янги босқичга кўтарилади.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ҳамда Индонезия ўртасида кўп қиррали ва самарали алоқаларни ривожлантириш учун имкониятлар жуда катта. Давлатларимизнинг бу йўналишда ўзаро қизиқиши ҳамда интилиши нафақат парламентлараро, балки сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишлардаги муносабатларни ҳам кучайтиришга хизмат қилади.

**«Халқ сўзи» мухбири Мунисхон КАРИМОВА ёзиб олди.**

# Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда яна бир йирик халқаро анжуман ўтказилади

1 →

Анжуманда Ҳаракатлар стратегиясининг кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, оила ва маҳалла институтларини мустаҳкамлаш бўйича амалий ҳаракатлар дастури сифатидаги ўрни ҳамда аҳамияти кенг муҳокама этилади. Шуларга мос ҳолда юртимизда амалда бўлган халқчил ижтимоий сиёсат, оилалар муаммоларини барвақт аниқлаш ва ҳал этиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ҳуқуқий ва ташкилий-амалий чора-тадбирлар билан хорижликлар яқиндан таништирилади.

Қолаверса, оилавий қадриятларни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикрловчи, ташаббускор, фаол ёшларни тарбиялашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоатчилик тузилмалари иштирокининг ҳуқуқий, ташкилий ва методик масалаларида тажриба алмашиш, маҳалла институти, оила-никоҳ муносабатлари ҳамда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади.

Тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида жорий йилнинг июнь ойида маҳаллалар, туман ҳамда шаҳарларда ўтказилган “Миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳалланинг ўрни” мавзуидаги форумлар, август ойида уюштирилган ажрим кўрсаткичи ошган маҳаллаларда “Биз оилавий ажримларга қаршимиз” шиори остидаги ойлик мазкур халқаро анжуманга тайёргарлик вазифасини ўтаб берди.

Ойлик давомида фуқаролар йиғини кенгаши аъзоларининг оилалар билан ишлаш малакасини ошириш бўйича 430 та, оилавий тарбиянинг ўзига хос жиҳатларини тарғиб этиш бўйича 3610 та, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш юзасидан 1054 та, яраштириш комиссияларининг фаолиятини кучайтиришга қаратилган 2910 та ва бошқа қатор учрашув ҳамда тадбирлар ўтказилди. Бундан ташқари, оилавий келишмовчиликлар сабабли бузилиш ёқасига келиб қолган 18 минг 203 та оилага намунали оилалар бириктирилди.

Умуман, мазкур халқаро конференцияга пухта ҳозирлик кўрилди. Унинг юқори савияда ўтказилиши маҳалла институтининг оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги масъулияти ва ролини янада оширишга хизмат қилади. Натижада маҳалла оиланинг ҳақиқий таянчи ҳамда суянчи сифатида ўзини янада кенгроқ намоён этади.

**З. ХОЛТЎРАЕВ.**

# Тошкент кимё-технология институти

**олий ўқув юртидан кейинги таълимга қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун қабул эълон қилади.**

## ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА

*(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)*

**01.02.04** — Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси.
**02.00.05** — Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси.
**02.00.08** — Нефть ва газ кимёси ва технологияси.
**02.00.09** — Товарлар кимёси.
**02.00.13** — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
**02.00.14** — Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
**02.00.15** — Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси.
**02.00.16** — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари.
**02.00.17** — Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологияси.
**05.02.04** — Стандартлаштириш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш.
**07.00.01** — Ўзбекистон тарихи.
**09.00.02** — Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси.
**09.00.04** — Ижтимоий фалсафа.

***Талабгор тақдим қиладиган ҳужжатлар:***
- *ариза;*
- *қисқача биографик маълумотнома (объективка);*
- *меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);*
- *олий таълим муассасаси магистратураси ёки олий маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси;*
- *нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 1 мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари;*
- *Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар;*
- *илмий консультантнинг ёзма розилиги;*
- *паспорт нусхаси;*
- *3х4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.*

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар ихтисослик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар.

## МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК

*(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)*

**01.02.04** — Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси.
**02.00.05** — Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси.
**02.00.06** — Юқори молекуляр бирикмалар.
**02.00.08** — Нефть ва газ кимёси ва технологияси.
**02.00.09** — Товарлар кимёси.
**02.00.13** — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
**02.00.14** — Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
**02.00.15** — Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси.
**02.00.16** — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари.
**02.00.17** — Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологияси.
**05.02.04** — Стандартлаштириш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш.
**07.00.01** — Ўзбекистон тарихи.
**09.00.02** — Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси.
**09.00.04** — Ижтимоий фалсафа.

***Талабгор тақдим қиладиган ҳужжатлар:***
- *ариза;*
- *қисқача биографик маълумотнома (объективка);*
- *меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);*
- *фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;*
- *фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёхуд хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;*
- *нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 1 мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари;*
- *нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари (DSc);*
- *иш жойидан тавсифнома;*
- *паспорт нусхаси;*
- *3х4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.*

Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2018 йил 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади.

***Ҳужжатлар 2018 йил 15 октябргача қабул қилинади.***

***Кириш имтиҳонлари 2018 йил 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.***

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин: (0-371) 244-39-81.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй, Тошкент кимё-технология институти, Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.**

789R/407

# Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)

***2018/2019 ўқув йили учун қуйидаги кафедраларнинг вакант ўринларига***

## *танлов эълон қилади:*

- **Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш кафедраси:** *доцент.*
- **Ирригация ва мелиорация кафедраси:** *ассистент.*
- **Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси:** *ассистент.*
- **Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш кафедраси:** *кафедра мудири, катта ўқитувчи.*
- **Тракторлар ва автомобиллар кафедраси:** *катта ўқитувчи, ассистент.*
- **Умумтехник фанлар кафедраси:** *ассистент.*
- **Гидромелиоратив ишларни ташкил этиш ва технологияси кафедраси:** *ассистент.*
- **Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси:** *катта ўқитувчи.*
- **Ердан фойдаланиш кафедраси:** *катта ўқитувчи.*
- **Геодезия ва геоинформатика кафедраси:** *доцент.*
- **Инглиз тили кафедраси:** *кафедра мудири, ўқитувчи.*
- **Экологик геоахборот тизимлари маркази:** *ассистент.*

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:**

- ариза (ректор номига);
- шахсий варақа (сўровнома);
- 2 дона 3х4 см. ўлчамдаги фотосурат;
- илмий ва услубий ишлар рўйхати (иш жойидан тасдиқланган шаклда);
- дипломлардан нусхалар;
- малака оширганлиги тўғрисида сертификат нусхалари (охирги 5 йиллик);
- паспорт нусхаси.

**Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.**

*Танловда қатнашиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим:*
*Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, ТИҚХММИнинг ходимлар бўлими.*

**Маълумот учун телефонлар: (0-371) 237-19-49, 237-09-85.**

765J/400

*Суғурта қилувчи ташкилотлар диққатига!*

## «Ўзтрансгаз» АЖнинг «ФАРҒОНАГАЗ» филиали

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига асосан, «Фарғонагаз» филиали тасарруфидаги 290 та автотранспорт воситасини суғурталаш учун танлов эълон қилади.

Мазкур хизматларни кўрсатиш билан шуғулланувчи мулкчилик шаклидан қатъи назар, махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан эълон чоп этилган санадан бошлаб 3 кун мобайнида тижорат таклифлари қабул қилинади.

***Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 76-уй. Телефон: (+99873) 229-04-36.***

«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

819J/172

## ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ (ГМИТИ)

*таянч докторантура, докторантура ҳамда мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун қабул эълон қилади:*

11.00.03 — Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё.
11.00.04 — Метеорология, иқлимшунослик, агрометеорология.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чингиз Айтматов 1-тор кўчаси, 72-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 235-85-12, 235-83-29.**

***Ҳужжатлар 2018 йил 15 октябргача қабул қилинади.***

813J/428

## «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки

*Жиззах вилоятининг туманларида кредит маблағлари ҳисобидан қурилаётган НМТМ объектлари қурилиши ишларини назоратдан ўтказиш бўйича*

***танлов эълон қилади.***

**Танловда қатнашиш учун қуйидагилар талаб этилади:**
- *ушбу фаолият бўйича иш олиб бориш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;*
- *тижорат таклифи.*

**Таклифлар 2018 йил 15 октябрь куни соат 16.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.**

**Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 244-14-53, 244-34-72.**

**Хизматлар лицензияланган.**

792R/415

**РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МЕТАЛЛ ПРОКАТ ҚУЙИДАГИ АССОРТИМЕНТДА ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДА МАВЖУД:**

## РУХЛАНГАН ЎРАМЛАР

0,4 х 1250 — 10 500 000 сўм/тонна
0,45; 0,5; 0,7 — 9 750 000 сўм/тонна



## ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПЎЛАТ

RAL 3005 0,45х1250 — 12 700 000 сўм/тонна
RAL 6005 0,45х1250 — 12 700 000 сўм/тонна
RAL 8017 0,45х1250 — 12 700 000 сўм/тонна
RAL 9003 0,45х1250 — 12 700 000 сўм/тонна
RAL 6005 0,50х1250 — 12 200 000 сўм/тонна



## ИССИҚ ПРОКАТДАН ҚИЛИНГАН ЛИСТЛАР

1,8х1000х2000 — 8 500 000 сўм/тонна
1,8х1250х2500 — 8 500 000 сўм/тонна
2,8х1250х2500 — 7 900 000 сўм/тонна

Шунингдек, буюртма бўйича ҳам ишлаймиз.
Кенг ассортиментда металл прокат. Тўлов шакли — нақд пулсиз.
**e-mail: stal-invest@inbox.uz**
**Тел.: (+99895) 475-00-65.**

812R/295

BGS

## ООО «Butlash Garant Servis»

**предлагает бетономешалки российского производства**



**1. Бетоносмеситель гравитационный МС-200**

**Технические характеристики:**
МС-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

**2. Бетоносмеситель гравитационный СБР-500А.1**



**Технические характеристики:**
СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

**Форма оплаты — перечисление.**

**ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.**

**Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А. Телефоны: (+99897) 760-86-00, (+99890) 370-86-86.**

527A/313

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 232-10-63. E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси Акмалжон Ахаталиевич Умирзаковга отаси

**Ахатали УМИРЗАКОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6